


Доҳа Ислом санъати музейи (Museum of Islamic Art, Doha)




11:00 / 18.12.2020 2959

Қатар пойтахти Доҳа шаҳридаги Ислом санъати музейи 2008 йилда санъат мухлисларига ўз эшикларини очган. Айти дамга келиб, у мамлакатнинг энг диққатга сазовор жойларидан бирига айланиб улгурган.


Музей биноси қадим исломий меъморчилик анъаналарига хос равишда бино қилинган бўлиб, лойиҳа муаллифи- дунёнинг машҳур замонавий архитекторлардан - хитойлик Ио Мин Пэйдир. Париждаги Лувр музейининг шишали пирамида лойиҳаси ҳам айнан шу архитекторга тегишли.

Image not found or type unknown




Музей биноси Доҳа шаҳрининг жанубий қисмидаги сунъий ороллардан бирида барпо этилган. Бинонинг ички қисми 3 қаватдан иборат бўлиб, араб меъморчилигига мувофиқ содда, ихчам бино қилинган.

Image not found or type unknown




Ушбу музейга санъат асари намуналари 1980 йиллардан бошлаб йиғиб келинган. Улар VIII-XIX асрларга оид жуда катта ҳажмдаги экспонатлардир.

Image not found or type unknown




Хитойдан Андалусияга бўлган улкан ҳудудларни ўзига қамраган Ислом тарихига оид санъат асарлари дурдоналарини йиғиш катта меҳнат, вақт ва маблағ талаб этгани шубҳасиз.

Image not found or type unknown




Музейнинг 45 минг квадрат метрдан иборат кенг ва замонавий кўргазма залларида дунёнинг турли юртларидан- Марказий Осиё, Миср, Испания, Туркия, Покистон, Сурия, Саудия Арабистони, Баҳрайн, Ироқ ва Эрондан келтирилиб жамланган санъат асарлари, экспонатлар жой олган.

Image not found or type unknown




Булар сирасига, нодир қўлёзма асарлар, китоблар, текстил-тўқимачилик маҳсулотлари, либослар, металлдан ясалган турли буюмлар, безаклар, заргарлик буюмлари ва кўркем керамика буюмлари, идишлар киради.

Image not found or type unknown




Бундан ташқари Эрон гиламлари, жимжимадор ханжар ва қиличлар, суюк ўймакорлиги маҳсулотлари ҳам томошабинлар эътиборини тортади.

Image not found or type unknown




Ислом санъати музейи дунёнинг кўплаб музейлари ҳамкорликда билан катта кўргазма дастурлари ҳам амалга оширади.

Image not found or type unknown



Бутун йил давомида Парижнинг Лувр, Нью-Йоркнинг Метрополитен музейлари, Миср ислом санъати музейи ва Марокаш қироллик коллекциясидан турли мавзуй кўргазмалар ташкил этиб борилади.

Image not found or type unknown



Музейга кириш бепул, унинг бюджети тўлиқ давлат томонидан қопланади.
У ерда 100 га яқин ходимлар ишлайди.

Йил давомида музейга ташриф буюрувчилар сони ошиб бормоқда.

Бобур Аҳмад тайёрлади